O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.N




*«Раҳмат сизга, азиз шифокор! Сизнинг енгил қўлингиз туфайли оилавий бахтим қайта тикланди. Ҳолбуки, инсон ҳаётида энг катта саодат оила барқарорлиги экан...»*

*«Сиздан миннатдорман. Маҳоратингиз туфайли ҳаётда ўз тенгимни топдим»...*

Юқорида келтирилган мактублар 1- Тошкент давлат тиббиёт институтининг офтальмология кафедраси шифокорлари номига битилган. Чунки бугунги кунда бу ерда миопия, яъни узоқни ёмон кўриш хасталигини даволашнинг жаҳонда тан олинган усуллари қўлланилмоқда. Шу кафедра аспиранти, мазкур самарали усулларни бевосита амалга ошираёт-

*Президент стипендияси совриндорлари*

## КЎЗЛАРДАГИ НУР

ган Шаҳло Маҳкамова билан суҳбатда бўлдик.

— Узоқни ёмон кўриш дарди аслида аҳоли ўртасида тез-тез учраб турадиган хасталиклардан, — деди шифокор. — Уни пайдо қилувчи омиллар кўп, хусусан дарднинг суяк суриши, танада кечадиган модда алмашинувининг бузилиши оқибатида кўз шохпардаси кенгайиши ва ҳоказо. Бу хасталикни даволашда биз микрожарроҳлик усулини қўллаяпмиз. Бунда кўзнинг узоқни ёмон кўриш даражаси ўрганилади ва кўз соққасининг ташқарига қараган қисми, яъни шохпарда устидан махсус олмосли пичоқларда марказдан ён-атрофга томон чизиқчалар тортилади. Операция жуда аниқлик ва ўта эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилишни талаб этади, олмосли пичоқлар билан ишлаганда ҳатто миллиметрнинг ўндан бир улушига ҳам адашмаслик керак. Шунинг учун биз операция жараёнида махсус кўриш асбобларидан фойдаланамиз. Менинг илмий ишим «Олдинги радиал меъёрланган кератотомия операциялари натижаларини яхшилаш усулларини ишлаб чиқиш» деб аталади. Бу билан мен операция қилинган кўзнинг битиб кетишини тезлаштирувчи янги усулга ўз ҳиссамни қўшдим. Шаҳло Маҳкамова дастлаб малака ошириш учун Москвадаги Святослав Фёдоров клиникасига келганда бу ерда қилинаётган операцияларни кўриб даҳшатга тушганди. Аммо кўзига тиғ теккизтиришга рози бўлган одамлар билан ўша ернинг ўзида суҳбатлашгач, фикри бутунлай ўзгарди. Ҳа, киши оддий бир инсондек яшаши учун, бахти кемтик бўлмаслиги учун ҳар қандай азобга, соғлиғини хавф остига қўйишга рози экан. Айниқса, кўзойнак тақишга уяладиган одамларда бу ҳол янада яққол намоён бўлади. Чунки узоқни ёмон кўриш хасталигига чалинганларга барча қатори яшаш учун учта йўл қолади: кўзойнак тақиш ёки кўзнинг шохпардасига линза қўйдириш ё операцияга рози бўлиш. Шаҳло Маҳкамова 1989 йилдан бошлаб ўз кафедрасида орттирган тажрибаларини амалиётда қўллай бошлади. Ҳамкасблари билан бирга бир қанча операцияларни муваффақиятли бажарди, улардан олинган хулосаларга таяниб илмий фаолиятини мукаммаллаштирди. Бу ютуқлари учун у аспирантлар ўртасида Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендиясини олишга лойиқ кўрилганлардан бири бўлди. Ҳозирда ҳам Шаҳло Маҳкамова қанчадан-қанча беморларнинг кўз нури йўлини равшанлаштираётир.

*Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ.*



*Хиёбондаги бу оппоқ қор сўнгисимикан?..*
*Миртемур Қодиров олган сурат.*

*Келажакка юз тутган шаҳар*

## ЗАМОНАВИЙ ВА МИЛЛИЙ РУҲДА

*Пойтахтимиз кундан-кунга ўзгача чирой кашф этмоқда. Равон кўчалар, маҳобатли бинолар, шарқона удумларимиз асосида бунёд этилаётган турар жойлар, гўзал оромгоҳ-боғлар, улкан фавворалар нафақат ҳамюртларимиз, балки чет эллик меҳмонлар кўнглига ҳам завқ бағишламоқда. Шаҳримизнинг бу қадар кўрк очишида диди баланд, фикри юксак, қўли гул меъморларимизнинг ҳиссалари катта. Шаҳар бош меъмори Маҳаммаддамин Расулов билан суҳбатимиз ҳам шу ҳақда, меъморларимиз қўлга киритаётган ютуқлар ҳамда пойтахтимизнинг бундан кейинги қиёфаси қандай бўлиши хусусида бўлди.*



**— Маҳамаддамин Олимжонович, юртимизда мустақиллик берган имкониятлар боис улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Албатта, бу ишда меъморларнинг ҳам муносиб улуши бор.**

— Албатта, мустақиллик меъморларимиз олдида кенг уфқлар очди. Улар бутун санъатларини, куч-ғайратларини шаҳримизни жаҳоннинг энг гўзал шаҳарларидан бирига айлантириш йўлида сарфлашга интилмоқдалар.

Ҳозирги кунда эса «Тошбошрежа», Тошкент шаҳар лойиҳалаштириш ва қайта қуриш институти, Тошкент тадқиқот институтида меҳнат қилаётган 1000 дан ортиқ лойиҳачи, муҳандис ҳамда меъморларимиз пойтахтимизни ўзига хос руҳда қайта бунёд этиш, миллий меъморчилигимизнинг анъаналарини давом эттириш, қадриятларимизни тиклаш йўлида бутун имкониятлардан унумли фойдаланмоқдалар. Ўтган йилда бунёд этилган Давлат мулк қўмитаси, Олий Мажлис, шаҳар ҳокимлиги бинолари, «ЖАР» спорт мажмуаси, «Юнусобод» ёпиқ турдаги теннис мажмуаси, жуда кўплаб турар жойлар, мактаб ва касалхоналар, талабга жавоб берадиган йўллар қурилиши лойиҳалари меъморларимиз меҳнатларининг маҳсули десак бўлади. Бундан ташқари жуда кўплаб қурилишлар ўзига хос равишда амалга оширилди.

**— Кўпчилик ҳамшаҳарларимизни пойтахтимиз марказидаги ўзгаришлар қизиқтиради. Матбуотчилар кўчасида қандай иншоотлар қад ростлаши кўзда тутилган?**

— Ушбу кунларда қизғин бунёдкорлик ишлари давом этаётган Матбуотчилар кўчасида уч қаватли узун бино бунёд этилади. У учта бир хил бинодан иборат бўлиб, улар бир-бири билан ўзаро боғланади. Бу уч қаватли бинонинг учинчи қавати мажмуани ўзаро боғлайди. Бинонинг биринчи ва иккинчи қаватида савдо расталари, қаҳвахона ва ресторанлар жойлашади, учинчи қаватдан эса турли фирмаларнинг идоралари ўрин эгаллайди. Бу бино Мустақиллик байрами арафасида фирма ва ташкилотларга фойдаланишга топширилади.

«Сайилгоҳ» эса мутлақо ўзгача кўриниш ва кўркка эга бўлади. «Сайилгоҳ»да халқ сайиллари ўтказиш учун барча шароитлар муҳайё этилган катта миллий боғ барпо этиш кўзда тутилган. Бу ерда миллий руҳдаги 2 та қаҳвахона қад ростлайди, турли хил аттракционлар ташкил этилади, боғнинг қоқ ўртасига фавворанинг отилиб туриши ўзгача чирой бахш этади. «Сайилгоҳ»нинг бурчагида, Отатурк кўчасида янги меъморчилик ютуқлари акс этган, XX аср охири XXI аср бошлари қурилишига жавоб берувчи «Парҳез таомлар» ошхонаси ҳамда «Совпластитал» дўкони қурилади.

Адлия вазирлиги биноси 30-йилларда қурилган бўлиб, ҳозирги замон талабига тўла жавоб бера олиши ва меъморчиликнинг илғор кўринишларини ўзида акс эттирганлиги туфайли лойиҳага биноан сақлаб қолинади. Тошкент Давлат юридик институти биноси ёнига эса қўшимча бинолар қуриш лойиҳалаштирилган. Собиқ «Истиқлол» бекати ўрнига расмлар галереяси жойлашади, бу ерда дам олувчилар рассомларнинг турли хил кўргазма расмларидан маънавий озуқа оладилар, ҳаттоки ўз портретларини чиздиришлари ҳам мумкин бўлади ёки бу ерга жойлашадиган қаҳвахонада ўтириб дам олиб, рассомларнинг ижодини кузатишса бўлади. Овқатланиш мажмуаси ёнида эса иккита сунъий кўлча ҳам барпо этилади. Хуллас бу жой ҳақиқий сайилгоҳ — оромгоҳ боғ бўлади. Бу Темурийлар тарихи давлат музейи орқасидаги боғ билан уйғунлашиб кетади. Хулоса қилиб айтганда, шаҳар маркази кўриб кўз қувнайдиган, байрамларда мириқиб ҳордиқ чиқарадиган ҳақиқий дам олиш масканига айланади.

**— Жорий йилда шаҳримиз қиёфасида яна қандай ўзгаришлар рўй беради?**

— Ҳиммати баланд қурувчиларимиз улкан бунёдкорлик ишларини давом эттиришмоқда. Бу, албатта, бизнинг ҳам меҳнатларимиз самарасидир. 1998 йилда консерваториянинг янги биноси санъат аҳлини қувонтирса, Ўзбекистон Миллий боғининг кенгайиши, у ерда мутафаккир номидаги кутубхонанинг қурилиши, кўл бунёд этилиши, боғнинг Байналмилал кўчасига қараб ободонлаштирилиши шаҳримиз чиройига янада файз бағишлайди. Бу ерда яхлит миллий боғ барпо этилиб, у 127 гектарга кенгаяди. У ерда қолган эски уйлар бузилиб, боғ Бўржаргача чўзилади. Боғ чинакамига дам олиш масканига айланади.

Шунингдек, шаҳримизнинг Сирғали туманида ўтган йилда боғ ҳамда кўл бунёд этилган бўлса, бу йил стадион қурилиши режаланган. Кўчалар ободлигига алоҳида эътибор қаратиш билан бирга, уларнинг икки тарафига шарқона, халқимиз талабига жавоб берадиган, иқлимий шароитларимизга мос турар жой бинолари қурилишини режалаганмиз. Осмонўпар бинолар бизнинг шароитимизга унчалик тўғри келмаслигини, халқимиз дидига мос эмаслигини ҳисобга олиб 4 ва 5 қаватли уйлар Қоратош мавзеси, Асадулла Хўжаев, Қорасарой, Сағбон, Форобий кўчаларида қад ростлаб, Оила йилида минглаб хонадон эгаларини хушнуд этади. Хадра майдонидаги савдо расталари, 7 қаватли турар жой биноси миллий меъморчилигимиз анъаналари асосида бунёд этилади. «Цирк» биноси замон талаблари асосида таъмирланади. «Алпомиш» спорт саройи таъмирланиб, кўп тармоқли заллар қўшилади.

**— Охирги савол: меъморчиликда хорижлик ҳамкорлар билан ишлашга қандай қарайсиз?**

— Жуда яхши. Лекин у шундай бўлмоғи керакки, миллий меъморчилик анъаналаридан воз кечмаган ҳолда уни Европа даражасига яқинлаштириш, яхши тажрибалар билан бойитиш лозим. Меъморларимиз Америка, Франция, Германия, Югославия, Туркия ва бошқа кўплаб давлатларнинг мутахассислари билан ҳамкорлик қилишмоқда. Менинг ўзим чет эл меъморларининг эришаётган ютуқларини ўрганиш учун жуда кўплаб давлатларда бўлдим, мутахассисларимиз у ерларда малака оширишди.

Айниқса, жаҳон андозалари даражасидаги меҳмонхоналар қуриш борасида Туркиянинг «Айсель», Франциянинг «Буиг» фирмалари билан ҳамкорлигимиз ижобий самаралар бермоқда. Шаҳримизнинг Навоий ҳамда Амир Темур кўчалари кесишган жойда Франциянинг «Буиг» фирмаси томонидан қурилаётган 16 қаватли меҳмонхона фикримизнинг яққол далилидир. Шунингдек, Навоий кўчасида халқаро савдо марказлари ҳамда «ДЭУ» маркази қад ростлаб, шаҳримизга ажиб тароват бахш этади.

Хуллас, лойиҳаларимизда замонавийлик билан бир пайтда пойтахтимизнинг жаҳон шаҳарлари ичида ўзига хос кўринишга, чиройга эга бўлишига албатта эътибор қаратамиз.

Давлатимиз пойтахтида ҳамиша Тошкент руҳи уфуриб туриши кераклигини унутмаймиз.

*Суҳбатдош*
*Шарифа ИЛЁСОВА.*



*СУРАТЛАРДА: Матбуотчилар кўчасидаги лойиҳани Тошкент шаҳар лойиҳалаштириш ва қайта қуриш институтининг меъмори Виктор Бреусенко (чапда) яратган, чизмани уста Анатолий Кобзев ясаган; Матбуотчилар кўчасида қуриладиган уч қаватли бино ва унинг орқа томонидаги иморатлар.*

*Рустам Шарипов олган суратлар.*

*Муносабат*

## ЮРТИМИЗ ОЛМОСИ ЖИЛОЛАНАДИ

*Яқин вақтларгача геологлар орасида олмос фақат заминнинг платформа қисмида кимберлит тоғ жинсларида учрайди, деган фикр юрарди. Бурмаланган ўлкаларда эса олмоснинг учраши тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмасди. Лекин собиқ Иттифоқнинг айрим ҳудудларида геосинклинал қурилмалардаги мантия жинслари таркибида олмос топилиши мазкур муаммони ечишга янгича ёндошиш имкониятини туғдирди. Аммо олмосдор жинсларни қайта ишлаш, саралаш технологияси ва тажрибахона базасини яратиш зарурлиги кун тартибига чиқди. Ҳозирда кимберлитлар учун қўлланилаётган технологик жараёнларни кимберлит бўлмаган олмосли жинсларга қўллаш мумкин бўлмай қолди. Демак, махсус технологик услуб ишлаб чиқиш замон талаби даражасига кўтарилди.*

Ўзбекистонда туб жинслар таркибида олмос қидириш ишлари 1985 йилда бошланди. Кенг миқёсда қидирув-тадқиқот ишларини бошлашга Чотқол — Қурама ҳудудида геолог Р. Юсупов томонидан олмоснинг топилиши туртки бўлди. 1986 йил бошида Тошкентда нокимберлит жинслардаги олмосни қидириб топиш мақсадида термокимё тажрибахонаси ишга тушди. Орадан ўн йил ўтгач Ўзбекистонда қидирув экспедициялари таркибида олмос изловчи гуруҳлар ва махсус тажрибахоналар ташкил топа бошлади. Лекин қидирувчилар тарқоқлиги ва ҳар ким ўз йўлидан бориши кутилган натижани бермади.

Мутахассисларга яхши маълумки, олмосли нокимберлит жинсларда таҳлил учун катта ҳажмда намуна (300-1000 килограмм) олинади. Лекин иқтисодий нуқтаи назардан бу усул ўзини оқламайди. Чунки таҳлил этилаётган жинсда олмос бор ёки йўқлиги ҳали номаълум. Баъзи геологлар таҳлил учун олинган намуналар қанчалик катта бўлса, унда олмоснинг бўлиш эҳтимоли шунчалик кўп деб ўйлайдилар.

Аммо қозоғистонлик мутахассислар кичик ҳажмдаги намуналар (75-100 килограмм) махсус термокимё усули билан таҳлилни амалга оширдилар ва кутилган натижани қўлга киритдилар. Жаҳонда тенги йўқ йирик, Кўкчетов олмос конини очиб, қазиб олишга топширдилар. Демак, катта ҳажмдаги намуна олиш ва уни таҳлил қилиш даври ўтди. Чунки бу усул кўп харажат сарфлашни тақозо этади.

Таҳлил этилаётган жинсда олмос борлиги аниқлангач ўша намунани таққослаш учун бошқа тажрибахонага худди шундай усулда таҳлил қилиш учун юборилади. Ўша жинсдан олмос чиқса, у яна қайта таҳлил қилинади. Энди топилган олмос туғмами ёки бегона эканлигини аниқлаш зарур. Мазкур тажрибахонада олмосли кимберлит намуналари таҳлил қилинган бўлса, унда тасодифий зарра қолган дейиш мумкин.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда олмоснинг кристаллари ва зарралари топилган жойлар жуда кўп. Аммо заргарлик талабларига жавоб бермайди. Яна улар тасодифий ёки бегона бўлиши мумкин. Бундан қатъи назар бу қандай олмос, туғмами ёки бегонами, тасодифийми деган саволга жавоб топиш керак. Олмос топилмаларнинг ҳақиқий кон эканлиги турли услублар воситасида аниқланади. Тоғли ўлкалардаги нокимберлит жинсларда олмос қидириш ишларида геологлар асосланадиган қонун-қоида ва тажрибага суянишади.

Биз Ўзбекистонда олмос саноатини яратиш ниятида эканмиз, йиғилган кўп йиллик тажрибадан фойдаланишни унутмаслигимиз керак. Чунки нокимберлит жинслар ёрдамида олмоснинг йирик конларини очишга эришилган. Дастлаб кичик ҳажмли намуналарни термокимё услубида таҳлил қилинди. Зеро, мазкур услуб азалдан самарадорлиги билан диққатга сазовордир. Шу тартибда қидирув ишларини ўтказган Россия геологлари бундан ўн йиллар илгари Архангельск вилоятида олмоснинг нокимберлит жинслардаги конини очдилар. Йил сайин олмос қазиб олиш суръати бу ерда ортиб борди. 1997 йилда шу кондан қазиб олинаётган соф олмос миқдори бир миллион каратга етди. Ишонч билан айтиш мумкинки, яқин келажакда республикамизда олмос саноатини бунёд этиш имкониятига эга бўламиз. Сунъий олмос етиштириш масаласи бундан мустасно.

*Шокир МЎМИНОВ,*
*Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитасига қарашли минерал ресурслар институтининг ноанъанавий хом ашё турлари тажрибахонаси мудири.*

*Луқма*

## «МАЪЛУМОТЛАРНИ БЕРА ОЛМАЙМАН...»

Ўзбекистон Республикаси енгил саноат моллари ишлаб чиқарадиган давлат уюшмасига қарашли «Пойабзалчи» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида кейинги йилларда корхонанинг ишлаб чиқариш ҳажми кескин даражада сусайиб, маҳсулот сифати пасайиб кетди. Албатта, бозор иқтисодиёти даврида бундай ҳолат билан келишиб бўлмайди. Хўш шундай экан, «Пойабзалчи»да ушбу инқироздан чиқиш, замон талабига мос маҳсулот тайёрлаш юзасидан қандай тадбирлар белгиланиб, янги режалар тузилмоқда? Мана шу саволга жавоб топиш мақсадида яқинда корхонада бўлдик.

Жамият бошқаруви раиси Абдулазиз Ҳафизов бизни энсаси қотиб, истамайгина кутиб олди. Сўзимизни тинглар-тингламас пешонаси тиришди.

— Сизга ҳозирча ҳеч қандай маълумот беролмайман.

— Сабаб?

— Мен ҳали янгиман.

— Ундай бўлса бош муҳандис ёки ўринбосарингизга учрашганимиз маъқулдир.

— Йўқ, керакмас...

— Корхонага ишга келганингизга бир ой бўлибди. Ҳеч бўлмаса шу вақт ичида ўйлаган режаларингиз билан ўртоқлашарсиз?

— Йўқ, бунга ҳали эрта. Кези келганда ўзим сизни чақиртираман.

Ғапимиз шу тариқа давом этаверди. Қанча вақтимизни ўтказиб корхонага келганимиз ва бу ердан бирор янгилик ололмай орқага қайтаётганимизга ачиндик. Ҳатто раисга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессиясида қабул қилинган «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги Қонуннинг баъзи бандларини эслатиб ўтишимизга ҳам тўғри келди. Бироқ бу уринишимиз ҳам зое кетди.

— Корхонанинг ҳозирги ҳолатида сизга керакли далил ва рақамларни бера олмайман, — деди у қатъий оҳангда.

«Пойабзалчи»нинг бугунги ночор аҳволи кўпчиликка маълум. Шундай экан, тўғри гапни яширишга ҳожат бормикан? Ахир қачонгача ҳақиқатни хас-пўшлашга уриниб, уни ошкора, баралла айтишдан ийманиб турамиз. Бундай эски қолипдаги иш услубидан қачон қутуламиз? Корхонанинг ҳозирги даражага тушиб қолишига ҳам кўпроқ мана шу иллат сабаб бўлмадими экан?

Корхонадан қайтар эканмиз, Президентимизнинг «Энди эскича ишлашга интилиш, эски қолипларни асраш, кечаги кун билан яшаш умидларидан воз кечайлик... Янгиликка, янгича тафаккурга йўл очиб берайлик», деган сўзларини эсладик. Бу лўнда ва ҳаётий гапдан қандай хулоса чиқариш ҳар кимнинг виждонига ҳавола.

*Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.*

